

ҒУЗОР МИЛЛИЙ КИЙИМ-КЕЧАК, БЕЗАКЛАР БУЮМЛАРИ

Usmonova Lola Xamidovna

Qarshi Davlat Universiteti tadqiqotchisi

UsmonovaIa302@gmail.com

ORCID: 0009-0005-2333-1739

UDK: 39 (308)

Аннотация

Ўрта Осиё халқларининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир элат ва этник гурухларнинг ўзига хос хусусиятли бош-оёқ кийимлари бўлса-да, миңтақада яшовчи этнослар умумий характеристидаги сарпо мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр ўзаро яқин бўлғанлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек сарполари замонавий типда бўлиб, айниқса оврўпача кийим-кечакларнинг кириб келиши билан тавсифланади. Миллий кийимлар кўпроқ қишлоқда, алоҳида аёллар сарпосида анча мустаҳкам сақланган. Шаҳар аҳолисининг қўпчилиги оврўпача кийинади. Анъанавий ўзбек кийим-кечаги асосан устки кўйлак, иштон ва чопондан, бошга дўппи, оёққа калишмаҳси ва этиқдан иборат бўлган. Эркак-аёл ва катта-кичиклар кийимлари бичимининг деярли бир хиллиги уларнинг қадимилигидан дарак беради. Бундай либослар оддий усулда, баъзан қайчисиз ва улгусиз яхлит матодан йиритиб тикилган. Бир парча газламани иккига буқлаб елка томонига кўндалангига икки енг билан бир парча тўртбурчак хиштак (кўлтиғига солинган)ни тикиб кўйлак битган. Эркакларнинг анъанавий яктак кўйлаги тиззагача, аёллар ва қизларники тўпифигача узунлиқда тикилган. Эркакларнинг иштони аёлларнидан унча фарқ қилмаган. Факат аёллар иштони бичими бир бўлса-да материали ҳар хил, яъни йўл-йўл газлама ёки ипак матодан бўлиб, эркакларникуига нисбатан узунроқ, пасти жияк (тасма) билан безатилган. Аёллар иштони (лозим) илгари икки қисмдан: юқори қисми оддий матодан, пастки қисми қимматбаҳо материалдан (баъзан кўйлакка мослаштириб) тикилган, пойчасига жияк тикилган.

Introduction

Кириш. (Introduction) XIX аср охири ва XX аср бошида ўзбеклар орасида ҳам асосан фабрикада тайёрланган ип газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурупдан тикилган кийим-кечакларни кийиш расм бўлди. Бой-бадавлат кишилар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба, рангоранг мавутлардан кийим тикириб кия бошладилар. Ип-газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил бўлган. Айниқса оқ, жигарранг, сариқ тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлаклари хом суруп, сидирға чит, содда тўқилган, қалами деб номланган ип газламадан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато-олачалар кўпроқ қишлоқ тўкувчилари томонидан тўқилиб, чопон тикишда ишлатилган,

жумладан: бекасам – йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кўйиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган¹.

Умуман олганда, эркакларнинг кўйлак-иштони одатда бир рангда (ассосан оқ), аёлларниги ранг-баранг материалдан тикилган. Ўтган асрнинг охирларигача кийим-кечаклар маҳаллий косиблар тўқиган мато-(бўз, каломи, алача) дан тикилган кейин рус фабрикатлари маҳсулотларидан тикила бошлаган (аёлларга гулли читдан, эркакларга оддий оқ читдан. Ҳозирги даврда миллий ва оврўпача кийимларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса кейинги пайтларда ўзбек аёллари ялтироқ кумуш тилла ипли газламалардан замонавий модага мослаштириб кийим тикириб киймоқда. Ички кийимлар бутунлай янгича трикотаж ва сунъий матолардан тикилган фабрика маҳсулотлардан иборат. Аммо ҳозиргача аёлларнинг энг севимли ва кенг тарқалган кийими ранг-баранг, чиройли хон атлас ва бошқа юпқа ипак матодан тикилган².

Тадқиқотни методологияси. (Research Methodology) Тадқиқот марказига Ғузор этник маданиятини ёритиш ётади. Мавзуни ёритишида тадқиқотга оид тарихий хўжжатлардан фойдаландик.

Натижа ва муҳокама (Results and Discussions) Эркаклар замонавий кийими овропоча кастюмдан фарқ қилмай қолган. Ёзда эркаклар кишилик кийими одатда енги узун ёки калта кўйлак, жун ёки сунъий матодан тикилган шим, ип газлама пайпоқ ва туфлидан иборатдир. Салқин пайтда улар кўйлак устидан костюм, бошларига дўппи, шляпа ва енгил плаш ҳамда оёққа иссиқ туфли кийишади. Ич кийимлари-майка ва трусиқ. Қиши пайтида – иссиқ жун пальто, баҳор-куз фаслларида- енгилроқ, астарсиз пальто ёки астарли плашда юрилади³.

Ғузор туманида эркакларнинг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Эркаклар миллий кийими таркибига кўра ички ва устки кийимларга бўлинади ва бу кийимлар кўпроқ қишлоқларда сақланиб қолган, жумладан: **Эркаклар кийими:** - тўн (чопон); йўл-йўл бекасам, пахтали қавима тўн ёки чопон, қавиқсиз яхтак ёки тўн, кўлда тўқилган мовутдан чакмон, аврасиз пўстин, поча пўстин, болгарка тўн, чакмон, яктак, босма, нимча, пахта чопон, зар тўн (чопон), кимхоб тўн (чопон), қора сатин тўн (чопон), баҳмал, шойи тўн (чопон), мусти зафар тўн, олача тўн, костюм, шим, чолвор (бобо иштон), нимча. сипортивка, кўйлак, шарп, бўйинбоғ, плаш, пальто, пиджак, кител, плашовка, ветровка, куртка (чарм куртка), оқ, қора, ҳар-хил кўйлаклар, масалан сафари, монтана, қрокодил, жинси, жумпер, свитер, тунги кийим (пижама), халат, водолазка, куртка, майка, турисик, қарс (белқарс), шойи белқарс, зар белқарс⁴.

Тўнлар, асосан, воҳанинг турли қишлоқларида ўзига хос маҳаллий шароитга мос қилиб тикилган. Сурхондарё вилояти ва Зарафшонда бўлгани сингари Қашқадарёда ҳам тўнлар

¹ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 23-24-6.

² Жабборов И. Ўзбек ҳалқи этнографияси. Тошкент. 1994. 151-6.

³ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 41-42-6.

⁴ Даля материаллари Хидиров Фарход, Тоғаева Наргиза. Ғузор тумани Халқобод қишлоғи, 2020 йил.

маҳаллий хунармандлар туқиган узун ва энли йўл-йўл матолардан тикилиб, анъанага кўра юпқа тўннинг устидан қалини кийилган. Баъзан учтадан тўн кийилган. Иккита тўн юпқароқ бўлиб, устидан белбоғ боғланган. Учинчиси қалин пахтали тўн бўлиб, унинг устидан белбоғ боғланмаган Баъзида учинчи тўн пахта солинмасдан тикилган бўлиб, “авра чопон» ёки жегда, жанда номи билан ҳам аталган чопонларни бундай устма-уст кийиш одати воҳанинг тоғ ва тоғ олди қишлоқларида расм бўлган. Одатда юриш учун қулай ва ихчам бўлиши учун тўн устидан белбоғ боғлансада, авра чопон устидан белбоғ боғланмаган. Авра чопон ёки жегда аслида чопон кир бўлмаслиги учун кийилган⁵. Чопонлар матоси ва рангига қараб олача чопон, тик чопон, бўз чопон, бекасам чопон, алвон чопон деб номланган.

Эркаклар кийимидаги анъанавийлик ва замонавийлик қўпроқ маросимларда сезилади. Жумладан, никоҳ тўйида қуёвнинг тўй қуни киядиган кенг бичимдаги горизонтал йирмочли елка ёқа куйлаги оқ рангли матодан тикилган бўлиб, чеккалари жиякли бўлган. Куёв баъзи ҳолларда оқ қўйлак устидан ипак матодан тикилган куйлак ҳам кийган. Ички қўйлак устидан белбоғ боғланган ҳамда қўйлак устидан куёвлик тўни кийилган⁶. Ҳозирги вақтда куёв қора кастюм, оқ қўйлак, бўйинтуруғ (галстук), қора туфли, тўн (чопон) ва бошқа кийим кечак кияди.

Воҳада чит, сатин бўз ва бошқа матолардан белбоғ тикилган. Чорвадор аҳоли орасида тери ва жундан тўқилган шол белбоғ, фута белбог, матри белбоғ ҳам мавжуд бўлган. Воҳада белбоғнинг рангига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, кекса ёшли одамлар оқ ва кўк рангдаги, ёшлар эса кўпинча қизил, баъзида тўқ қизил ҳамда сарик рангдаги белбоғ боғлаганлар. XX асрнинг 30-йилларига келиб белбоғ боғлаш анъанаси воҳадаги эркакларнинг кундалик турмуш тарзидан чиқа бошлаган ва ёшлар ҳамда ўрта ёшдаги эркаклар белбоғ боғламай қўйганлар. Лекин қишлоқларда белбоғ боғлаш сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам кекса ёшли одамлар тўнларининг устидан белбоғ боғлаб юрадилар⁷. Тўн, бош кийимлари, дўппилар тикишда фойдаланиладиган қора рангли мовут, баҳмал матолар, байрамлар ва тўй маросимлари либоси учун парча ва фаранг матолари харид қилинган.

Эркакларнинг бош кийими хақида тўхталар эканмиз, улар қуйидагича:- калапўш, чигирма телпак, сур телпак, қуён телпак, дўппи (қалпок), (Кўқон дўппи, Фарғона дўппи, Чуст дўппи, Андижон дўппи, Шаҳрисабз дўпписи, Тошкент дўпписи), телпак (тери телпак, норка, андатра), шапка, кепка, капишок, салла, панама, шляпа⁸. Ислом тарихи ва ақидаларига бориб тақаладиган одатга биноан, катта ёшдаги мўмин-мусулмонлар одатда бошяланг юрганлар. Йилнинг иссиқ фаслларида эркаклар уйда, кўча-куйда, меҳмондорчилик ва ишхоналарда дўппи, қалпок, каллапўш деб ҳар жойда хар хил

⁵ Давлатова Саодат. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2006. 56

⁶ Ўша жойда. 56

⁷ Ўша жойда. 58

⁸ Дала материаллари. Бадалов Рўзиқул, Қоржовов Жоҳонгир. Ғузор тумани, Халқобод қишлоғи. 2022 йил.

аталадиган бош кийими кийишган. Дўппилар муайян минтақаларда, кишиларнинг ёшига қараб турлича бўлган. Масалан, эркаклар, аёллар, болалар, жумладан, ўғил болалар, қиз болалар, эмизакли гўдаклар, чоллар ва кампирлар ўзларига хос бош кийим кийишган. Дўппилар учи чўқки, конус шаклида, ярим кубба, таги ясси думалоқ, тўртбурчак- чорси шаклида тикилиб, ипак, зарли ип, кумуш иплар билан қашта тикиб безатилган. Бу дўппилар қора сатиндан, баҳмалдан тикилган. Уларнинг шакли дастлаб чўққисимон, гардишида кенг тасмаси бўлиб, устидан салла ўрашга мослашган эди. Кейинги даврларда дўппиларнинг шакли ўзгариб, юқори қисми думалоқ ёки тўртбурчак шаклини олди, гардишидаги кизаги торроқ қилинадиган бўлиб қолди⁹.

XX аср бошларида салла ўрашнинг ўзига хос меъёрлари ва саллаларнинг турли хил шакллари мавжуд бўлган. Ўрганилаётган худуднинг айрим қишлоқларида матонинг узун тикилмаган бир бўлаги қўринишидаги салла дўппи ёки қунох устидан айлантириб ўралган ва унинг бир учи, яъни пеши чап томондан қўкракка тушириб қўйилган. Салланинг рангги бевосита кишининг ёшига қараб танланган. Кекса ёшдаги кишилар, исломий уламолар асосан оқ рангли салла ўрашган, ёш йигитлар ва куёвлар салласи қизил, тўқ қизил рангли матолардан қилинган. Халқимизда салла ўраш мусулмонликнинг шартларидан бири ҳисобланган, суннат килинган ёш болаларга хатна тўйида салла боғлашган.

Бу унинг мусулмон бўлганлиги ёки намоз ўқий олиши мумкинлигини, умуман олганда, унинг «қўли ҳалол бўлганини англацган. Саллани бир учи чап елкадан тушириб қўйилишида ҳам рамзий маъно мавжуд бўлиб, намоз вақтида ўнгга бурилиши учун салланинг учи чап томонга туширилган. Салла доимо озода сақланган, унга фармон ёки мактубларни қистириб қўйиш одати ҳам бўлган. Қолаверса, мусулмон киши узоқ сафарда, йулда вафот этса, салла сўнгги охират кийими, яъни кафан вазифасини бажарганлиги боис саллаларнинг узунлиги 8 метрдан кам бўлмаган” Саллаларнинг матоси ва шакли кишиларнинг иқтисодий аҳволи ҳамда хўжалик ишлари билан машғуллик даражасига ҳам боғлик бўлган. Воҳада вафот этган кишининг ўлимлик сарпосида салла мавжуд бўлиши унинг намозхон ва тақводорлигидан дарак беради¹⁰.

Салла биринчи марта ўғил болалар бошига суннат тўйида тантанали суратда ўраб қўйилган, кейин эса бундай маросим никоҳ тўйида тақрорланган, яъни уйланган йигит бошига “киёв салла” қўндирилган. Салланинг матоси одатда олти метрдан кам бўлмаслиги шарт эди. Елкага тушиб турган салла учи устига қистириб қўйилиб, фақат намоз ўқилаётган пайтдагина туширилган¹¹.

Ҳозирда салла ўраш кам тарқалган, уни асосан қариялар ва диндор кишилар қўпинча маъракаларда ва диний байрамларда ўраб чиқадилар¹². Шунинг учун ҳар бир эркакда салла, белбоғ (белқарс), тўн (чопон) бўлган. Агар инсон вафот этса салла кафандик вазифасини, белбоғ эса, қўл ва оёғини ҳамда иягини боғлаш учун, тўн эса кўтариб гўрга қўйиш вазифасини ўтаган.

⁹ Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 28–6.

¹⁰ Давлатова Саодат. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2006. 64-б.

¹¹ Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 31 –6.

¹² Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент. 1994. 154–6.

Хулоса ва таклифлар. (Conclusion/Recommendations) Аёлларнинг миллий кийим-кечакларидағи анъанавийлик кўпроқ кекса авлодга мансуб хотин-қизлар орасида, шунингдек, айрим ёш аёллар лиbosларида ҳам сақланиб қолмоқда. Маросим кийимлари ҳам ўзгаришсиз сақланган. Мазкур кийимларнинг таркиби, бичим-андазалари турли ёшдаги кишилар гурухлари учун турлича бўлиб, кейинги ўн йилликлар мобайнида бу соҳада турфа ўзгаришларни қузатиш мумкин. XIX асрнинг 2-ярмида Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг, кийимларда ҳам сезиларли ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Тик ёқали кўйлаклар, ёқаси плиссе қилинган (дазмол билан узунасига қат-қат бурма солинган), ҳошия билан безатилган шакллар пайдо бўлди. Шундай қилиб, аввал шаҳарлар, сўнгрок эса, қишлоқ жойларида тик ёқали кўйлак кийиш одат тусини олди. Бундай лиbosлар “татар ёки нўғай ёқа кўйлак” деб, Зарафшон воҳасида эса “қозоқи кўйлак” деб атала бошлади. Ўзбек ёш жувонлари фарзанд кўргунларига қадар тик ёқали, яъни учи юқорига қараган учбурчак шаклида парпара ёқали ёки бурма ҳошияли кўйлак кийишган¹³.

Эркаклар кийими билан бирга, аёллар кийими алоҳида ўрин тутади. XIX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида Ғузор тумани худудида ахоли кийиб юрадиган миллий кийимлари:- паранжи, чачвон, халат, желак, беқасам, юбка, плаш, фартук, ипак нимча, чит чопон, ички кийим, абая, лозим, кўйлак: шойи кўйлак, атлас кўйлак, ипак кўйлак, чит кўйлак, сатин кўйлак, гирибсатин кўйлак, гирбишин кўйлак, кристал кўйлак, мачалка кўйлак, баҳмал кўйлак, йўл –йўл баҳмал кўйлак, япон кўйлак, папилин кўйлак, ланка кўйлак, сатин кўйлак, шойи кўйлак, атлас кўйлак, адрас кўйлак, духоба кўйлак, духоба нимча, паранг кўйлак, платна кўйлак, болгарка кўйлак, рангли кўйлак, жун кўйлак, кринпилин кўйлак, оқ сурп кўйлак, қора сурп кўйлак, туркия материалларидан тикилган кўйлак, ангорка жемпер, жон кўйлак, тўр жемпер, тўқима жемпер, пальто, шуба, келин кўйлак, тўн, шим билан кофта (двойка), панчо, кардиган ва матолар, бўз, алача, қалами¹⁴. Кийгичлар сочининг йиғилиб ихчам бўлиб, туриши ҳамда ёш қизлар ва келинчаклар томонидан безак, кўрк сифатида рўмол остида бошга кийилган. Рўмол остидаги кийгич (дўппи, тахя, тўппи ва б.) кишига улуғворлик, кўркамлик баҳш этган. Кекса ёшдаги аёллар эса кечаси ялангбош ётмаслик учун кийгич кийишган. Бошга ташлаб юриладиган рўмоллар сочдан сирғалиб тушиб кетмаслик учун кийгичларга тўғноғич қадаб кўйилган¹⁵. Олдин аёллар паранжи кийиб юришган. Паранжи аслида Мисрда пайдо бўлган.

XX асрнинг 70-80-йилларида аёллар, айниқса, турмушга чиқкан аёллар кўчага чиққанларида бошларига чопон, эркаклар костюми ёки кўйлагини ташлаб чиқишиган. Бошга ташлаб юриладиган ёпинғичлар бошқа туркий халқларда турлича номлар билан аталган. Аёлларнинг жэлак, курталари уларнинг иқтисодий аҳволини ҳам англатган. Шунингдек ёпинғичларнинг матолари, ранглари уларнинг ёшларига қараб ҳам фарқ қилган. Умуман олганда, аёлларнинг ёпинғичлари асосан юзни бегона эркаклар назаридан

¹³ Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 31 –6.

¹⁴ Дала материаллари Ҳақназарова Тамара Ғузор тумани Халқобод қишлоғи. 2021йил.

¹⁵ Давлатова Саодат. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2006. 82

беркитиш учун ёпиб юрилган¹⁶. Кейинги вақтларда кизлар киядиган нимча ва камзуллар одат тусига кириб келди.

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент. 1994. 149-151-б.
2. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 23-24-б.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент. 1994. 151-б.
4. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 41-42-б.
5. Дала материаллари Хидиров Фарход, Тоғаева Наргиза. Ғузор тумани Халқобод қишлоғи, 2020 йил.
6. Давлатова Саодат. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2006. 56
7. Ўша жойда. 56
8. Ўша жойда. 58
9. Дала материаллари. Бадалов Рўзиқул, Қоржовов Жоҳонгир. Ғузор тумани, Халқобод қишлоғи. 2022 йил.
10. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 28-б.
11. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 31 –б.
12. Дала материаллари Ҳақназарова Тамара Ғузор тумани Халқобод қишлоғи. 2021йил.
13. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. 1994. 31 –б.
14. Дала материаллари Ҳақназарова Тамара Ғузор тумани Халқобод қишлоғи. 2021йил.

¹⁶ Ўша жойда. 90